

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАДУМАРОВА ЗАРНИГОР ШУХРАТ ҚИЗИ

**УЛЬТРАСОНОГРАФИЯ ЁРДАМИДА ЧАНОҚ-СОН БЎҒИМИ
ЯЛЛИҒЛАНИШ ВА ДЕГЕНЕРАТИВ КАСАЛЛИКЛАРИНИ
ТАШХИСОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.19- Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мадумарова Зарнигор Шухрат кизи

Ультрасонография ёрдамида чанок-сон бўғими
яллиғланиш ва дегенератив касалликларини
ташхисотини такомиллаштириш..... 3

Мадумарова Зарнигор Шухрат кизи

Совершенствование диагностики воспалительных
и дегенеративных заболеваний тазобедренного сустава
с применением ультрасонографии..... 26

Madumarova Zarnigor Shukhrat kizi

Improving the diagnosis of inflammatory and degenerative
diseases of hip joint using ultrasonography..... 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАДУМАРОВА ЗАРНИГОР ШУХРАТ ҚИЗИ

**УЛЬТРАСОНОГРАФИЯ ЁРДАМИДА ЧАНОҚ-СОН БЎҒИМИ
ЯЛЛИҒЛАНИШ ВА ДЕГЕНЕРАТИВ КАСАЛЛИКЛАРИНИ
ТАШХИСОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.19- Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.2.PhD/Tib956 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ходжибеков Марат Худайкулович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Фазылов Акрам Акмалович тиббиёт фанлари доктори, профессор Рустамова Умида Мухторовна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «__» февраль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871)246-15-96

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Н. Абдихакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Кириш (докторлик диссертация (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда таянч-ҳаракат тизими касалликлари замонавий ортопедиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, кекса ёшдаги инсонларда таянч-ҳаракат аппарати оғир анатомик-функционал етишмовчилигини ривожланишига сабаб бўлади. XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида ".....ЖССТ дегенератив ва яллиғланиш натижасида юзага келадиган артритларни ўз ичига олувчи синовиал бўғимларни шикастловчи остеоартрит каби касалликларни алоҳида ажратиб, суяк ва бўғим ўзагаришларининг ўн йиллигини эълон қилди"¹. Чаноқ-сон бўғими остеоартрити билан касалланиш 100 минг аҳолига 12,5, Марказий Осиёда 13,09 ни ташкил қилди. Марказий Осиё мамлакатларида чаноқ-сон бўғими остеоартритининг ўсиш суръати бутун дунёга нисбатан юқори бўлиб, сўнгги 30 йил ичида 9 фоизга нисбатан 14 фоизни ташкил этди². Коксартроз деб ҳам аталадиган чаноқ-сон бўғимининг (ЧСБ) остеоартрози кекса аҳоли орасида ногиронликнинг асосий сабабларидан биридир. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда чаноқ-сон бўғими яллиғланиш ва дегенератив касалликларини ташхисотини такомиллаштириш замонавий клиник тиббиётнинг ҳал қилиниш зарур бўлган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ультрасонография ёрдамида чаноқ-сон бўғими яллиғланиш ва дегенератив касалликларини ташхисотини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада чаноқ-сон бўғимининг ревматоид артрити ва остеоартрозининг эхографик белгиларини ишончлилик даражасини, чаноқ-сон бўғими ревматоид артрит ва остеоартрозининг дастлабки босқичларини дифференциациялаш мезонларини, комплекс ультратовуш текшируви маълумотларига кўра, серошкал эхография, энергетик ва спектр доплер билан биргаликда баҳолаш, чаноқ-сон бўғими остеоартрози босқичини таснифлаш учун мавжуд ультратовуш тизимини, чаноқ-сон бўғимининг яллиғланиш ёки дегенератив касалликларига клиник шубҳаси бўлган беморларни ташхислашда тадқиқотнинг нур ташхиси усулларида фойдаланиш алгоритмининг ҳамда чаноқ-сон бўғимининг даволаш пункция самарадорлигини оширишда ультрасонография ўрнини асослашга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни даволашга йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹Насонова В.А. Ҳалқаро декада, суяк-бўғим ўзгаришларига бағишланган (The Bone and Joint Decade 2000-2010). Россия тиббиёт журнали 2000; 2: 369-3726.

²Fu M. ва бошқ. 1990 йилдан 2019 йилгача бўғим остеоартритининг глобал, минтақавий ва миллий юксалиши; 2019 йилдан бошлаб баҳоланади. Оғир ва глобал касалликларни таҳлил қилиш. Артритни текшириш ва даволаш. (Global, regional and national burden of hip osteoarthritis from 1990 to 2019; estimates from 2019. Global burden and disease study. Arthritis Research and Therapy). 2022; 24(8):116.

стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда "...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш..."³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ультрасонография ёрдамида чаноқ-сон бўғими яллиғланиш ва дегенератив касалликларини ташхисотини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга ошириш борасида қатор илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида", 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон "Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон "Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2838-сонли "Шошилич тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий нашрларда бир қатор ишлар натижалари чоп этилган бўлиб, улар чаноқ-сон бўғимни ультратовуш текширишга (УТТ) бағишланган, илмий мақолалар ревматоид артрит ва остеоартрозининг ультратовуш белгиларини тавсифлайди ва ультратовуш усули бўғим ичидаги суюқлик тўпланишини аниқлаш, бўғимнинг тўғайи ва синовиал қобиғининг қалинлигини баҳолаш, эрозив ўзгаришлар, остеофитлар ва суяк деформацияларини кўриш учун кенг қўлланилиши мумкинлигини кўрсатади (Хабиров, Р.А. ва ҳаммуал. 2001; Яременко О.Б. 2006; Ruta et al.,2015; Sudula,2016; Clausen et al.,2020; Keley et al., 2020; Roemer et al.,2020 ва бошқ.).

Артроскопия ва чаноқ-сон бўғимининг жарроҳлик артропластикаси маълумотлари билан таққослаш натижасида ультратовуш текшируви сон суяги бошчасининг остеофитлари ва деформацияларини аниқлашда рентгенографиядан кам эмаслиги, бўғим бўшлиғида эркин суюқлик ва

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

синовит бошқа белгиларни аниқлашда шубҳасиз афзалликларга эга эканлиги аниқланди (Abrahams et al.,2014; Nevalainen et al., 2020). Бироқ, илмий адабиётларда кўпинча артроз ва чаноқ-сон бўғимининг ревматоид артритининг ультратовуш белгиларининг сезувчанлиги, ўзига хослиги, аниқлиги ва такрорланишининг турли кўрсаткичлари келтирилган (Quistgaard et al.,2006; Clausen et al.,2020; Paskins et al.,2022).

Чаноқ-сон бўғими артроз ва артритининг дастлабки босқичларида ультратовушли дифференциал диагностик ташхис қўйиш имкониятлари амалда ўрганилмаган. 2006 йилда Quistgaard ва бошқ. томонидан таклиф қилинган ярим-миқдорий скоринг (балл) тизими чаноқ-сон бўғими остеоартритининг босқичини кулранг эхографик шкалага кўра таснифлаш, Допплер тадқиқотлари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилмаган ва кенг тарқалмаган. Ультратовуш текшируви остида чаноқ-сон бўғими диагностик ва терапевтик пункциясининг афзалликлари етарлича баҳоланмаган.

Мамлакатимизда асосан болалар чаноқ-сон бўғими дисплазиясини ультратовушда ташхислаш хусусиятлари (Рустамова У.М. 2021), шунингдек, артроз ривожланиши ва ривожланиш патогенези (Маманазарова Д.К. 2015; Қосимова Г.Т. 2019) ўрганилган. Асилова С.У. (2017), бўғимнинг яллиғланиш ва дегенератив касалликларини ташхислаш ва даволаш бўйича тадқиқотлар ўтказди. Бироқ, эришилган ютуқларга қарамай, ультратовуш текширувидан фойдаланган ҳолда артроз ва артритнинг дифференциал диагностикаси ва босқичини аниқлаш муаммосини янада такомиллаштириш керак.

Шунга боғлиқликда дегенератив ва яллиғланиш генезли чаноқ-сон бўғими касалликларини фарқлашга имкон берувчи ультрасонографик белгиларни аниқлаш долзарб ҳисобланади. Даволаш муолажаларини олиб бориш учун чаноқ-сон бўғимини мақсадли пункциясини оптималлаштириш ҳамда енгиллаштиришда ультратовуш тадқиқотининг имкониятлари етарлича баҳоланмаган.

Диссертация мавзусининг республикадаги илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ № 012000273 сон "Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сурункали юқумли бўлмаган касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор инновацион технологияларини ишлаб чиқиш" мавзуси доирасида амалга оширилган (2018-2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади. чаноқ-сон бўғимининг ревматоид артрити ва остеоартрозини ультратовуш усулида нур ташхислаш самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чаноқ-сон бўғимининг ревматоид артрити ва остеоартрозининг эхографик белгиларини ишончлилиқ даражасини баҳолаш;

чаноқ-сон бўғими ревматоид артрит ва остеоартрозининг дастлабки босқичларини дифференциациялаш мезонларини, комплекс ультратовуш

текшируви маълумотларига кўра, серошқал эхография, энергетик ва спектр доплер билан биргаликда баҳолаш;

чаноқ-сон бўғими остеоартрози босқичини таснифлаш учун мавжуд ультратовуш тизимини такомиллаштириш;

чаноқ-сон бўғимининг яллиғланиш ёки дегенератив касалликларига клиник шубҳаси бўлган беморларни текширишда тадқиқотнинг нур ташхиси усулларида фойдаланиш алгоритмининг таклиф қилиш;

чаноқ-сон бўғимининг даволаш пункция самарадорлигини оширишда ультрасонография ўрнини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2021 йиллар мобайнида Андижон давлат тиббиёт институтининг шифохонасида стационар шароитда даволанган, амбулатор текширувга мурожаат қилган, чаноқ-сон бўғимининг дегенератив ва яллиғланиш касалликлари кузатилган 134 нафар беморлар ҳамда 29 нафар назорат гуруҳидаги пациентлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ультрасонография ёрдамида чаноқ-сон бўғими яллиғланиш ва дегенератив касалликларининг ташхисотини такомиллаштиришда кузатилган беморларда В режим, рангли доплер тасвирлаш (РДТ), энергетик доплер тасвирлаш (ЭДТ) тартибдан фойдаланиб, комплекс клиник-эхографик текширув натижалари, ультратовуш белгиларининг аниқлигини башорат қилиш ROC-таҳлили, шунингдек, сезгирлик, тестнинг ўзига хослиги ва оптимал дискриминация чегараси ҳақида маълумот материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ультрасонография ёрдамида чаноқ-сон бўғими яллиғланиш ва дегенератив касалликларининг ташхисотини такомиллаштириш учун клиник, лаборатор, инструментал усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

анъанавий кул ранг шкала эхографиясига қўшимча равишда, гиалин тоғайи, синовиал, фиброз қобик қалинлиги ва остеофитларни даражаси, энергетик доплер тасвирига кўра, бўғимнинг морфо-функционал ҳолати, чаноқ-сон бўғимида ревматоид артрит ва остеоартрозини қиёслаш даражасининг босқичи исботланган;

синовитнинг ультратовуш белгиларининг бирлашмаси сифатида эркин суюқлик, синовиал қобикнинг қалинлашиши ва энергетик доплер тасвирида кўп миқдорда эркин синовиал сигналларнинг мавжудлиги орқали чаноқ-сон бўғими ревматоид артритнинг дастлабки босқичлари ва остеоартрознинг кўзғалиш даври учун бирламчи ультратовуш текширув ўтказиш кераклиги исботланган;

ультратовуш таснифлаш тизими Quistgaard ёрдамида чаноқ-сон бўғими остеоартрози босқичи учун мавжуд бўғимнинг синовиал қон билан таъминлашда энергетик доплер ва эхографик ранг тасвир метрик кўрсаткичлари морфо-функционал ўзгаришлари чуқурлиги ва оғирлик даражаси исботланган;

ультратовушли навигация орқали чаноқ-сон бўғимининг пункциясига кириш самарадорлиги ва пункцион игнасининг бўғим бўшлиғига киришини

осонлаштириш орқали бемор учун ноқулайлик ва асоратлар эҳтимолини камайтирилган тартиби исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чаноқ-сон бўғимининг яллиғланиш ёки дегенератив касаллигига шубҳа қилинганда ультратовуш текшируви учун оптимал протокол таклиф қилинди, кулранг шкалани эхография билан биргаликда энергетик доплер тасвири асослаб берилган;

остеоартрознинг дастлабки босқичларида камдан кам ҳолда бўғим бўшлиғида эркин суюқлик сифатида синовитнинг ультратовуш белгилари ва ЭДТда эркин сигналларнинг кўп миқдорда бўлиши баҳоланиб, аммо, қоида тариқасида, гиалин қобиқ қалинлигининг пасайиши 2 мм дан кам бўлганлиги кўрсаткичлари аниқланган;

ревматоид артрит ва чаноқ-сон бўғимнинг остеоартрозини эрта босқичларда, ҳатто суяк ўзгаришлари ривожланишидан олдин фарқлаш учун ультратовуш мезонлари бўғимнинг юмшоқ тўқималари тузилмаларидаги ўзгаришларнинг ультратовуш белгилари ёрдамида турли хил ўзгаришларда имкониятлари кўрсатилган;

чаноқ-сон бўғими ревматоид артрити ва остеоартрози босқичини таснифлаш учун такомиллаштирилган ультратовуш тизими таклиф асосида ёндашув мезонлари ўрганилган;

ультратовушли навигация остида чаноқ-сон бўғимини пункция қилиш учун олд эмас, балки ёнбош латерал ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги исботланган, чунки бу пункцион игнасининг бўғим бўшлиғига тез киришини таъминлаш орқали ва беморларда енгилроқ чидамлик кузатиш ва келтириб чиқадиган омиллар ўрганилиб илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган одамлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, нур, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ультрасонография ёрдамида чаноқ-сон бўғими яллиғланиш ва дегенератив касалликларини ташхисотини такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чаноқ-сон бўғими ревматоид артрити ва остеоартрозининг босқичи, фаоллигини фарқлаш учун ультратовуш белгилари ва мезонларининг ишлаб чиқилган комплексининг ўзига хослиги, ревматоид артрит ва остеоартрознинг ультратовуш диагностикасининг ишлаб чиқилган тизими чаноқ-сон бўғим артрит ва артрозининг бошқа шакллари баҳолаш ва кузатиш жараёнида бўғимларнинг ҳолатини кузатиш учун истиқболли назарий асосини яратишни баҳолашга имкон яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган чаноқ-сон бўғимининг ультратовуш текшируви тизими клиницистни кизиқтирадиган, беморларни етарли даражада даволаш ва бошқаришни таъминлаш учун зарур бўлган асосий масалалар бўйича маълумот бериш, касалликнинг ҳамма шаклига - артрит ёки артрознинг. Шунингдек, жараённинг фаоллигига боғлиқлиги, касалликларнинг кенг тарқалганлиги ва ультратовуш ташхислашнинг кенг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ультратовуш доплерография ҳамда энергетик доплер маълумотлари, кулранг сонография натижаларини стандартлаштиришнинг амалий аҳамияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ультрасонография ёрдамида чаноқ-сон бўғими яллиғланиш ва дегенератив касалликларини ташхисотини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ультрасонография ёрдамида чаноқ-сон бўғими яллиғланиш ва дегенератив касалликларини ташхисотини такомиллаштиришга оид текшириш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган "Чаноқ-сон бўғими касалликлари диагностикасида ультрасонографияни қўллаш" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7 июлдаги 8н-р/794-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада катта ёшли инсонларда чаноқ-сон бўғимининг такомиллаштирилган баённомасини қўллаш билан чаноқ-сон бўғимининг яллиғланишли ва дегенератив касалликларини ультратовуш текшируви натижалари ва самарадорлигини баҳолаш имконини берган;

Ультрасонография ёрдамида чаноқ-сон бўғими яллиғланиш ва дегенератив касалликларини ташхисотини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Андижон шаҳридаги 3-оилавий поликлиникаси, Фарғона шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 10 августдаги 8н-з/414-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши катта ёшдаги инсонларда чаноқ-сон бўғими остеоартрозининг ривожланиш хавфини камайтириш, синовиал қобик қалинлиги дастлаб $4,81 \pm 0,03$ ммни ташкил қилган бўлса, текширув якунида мазкур кўрсаткичнинг ижобий динамикаси $4,10 \pm 0,01$ ммни, фиброз капсула қалинлиги эса $3,02 \pm 0,06$ ммдан $2,77 \pm 0,07$ ммга кичрайиб, бевосита ижобий динамикани кўрсатганлиги, ўрта ва кекса ёшдаги инсонларда чаноқ-сон бўғимининг яллиғланиш ва дегенератив касалликларини вақтида ташхислаш, бўғимлардаги ўзгаришларни эрта баҳолаш, асоратларни олдини олишни оптималлаштириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Чанок-сон бўғимнинг яллиғланишли ва дегенератив касалликлари ультратовуш диагностикасининг замонавий ҳолати"** деб номланган бобда маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлил қилиш асосида чанок-сон бўғимининг яллиғланиш ва дегенератив касалликлари эпидемиологияси ва патогенезининг турли жиҳатлари батафсил кўриб чиқилди, юқори технологияли тасвирлаш имкониятларига эътибор қаратган ҳолда ушбу касалликларни ташхислаш усулларини ривожланиш имкониятлари кўрсатилган.

Чанок-сон бўғимининг нур диагностикасининг турли усуллари, масалан, рентгенография, ультратовуш, МРТ, радионуклид тадқиқотлари ва артроз ва артритда чанок-сон бўғимининг артроскопиясининг афзалликлари ва камчиликларининг қиёсий таҳлили берилган. Чанок-сон артрит ва артрозини ташхислаш учун ультратовуш текширувидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати танқидий баҳоланди ва ҳал этилмаган муаммолар ва ушбу соҳадаги тадқиқотнинг истиқболли йуналишлари аниқланди.

Диссертациянинг **"Чанок-сон бўғимининг яллиғланишли ва дегенератив касалликлари ультратовуш диагностикаси баҳолаш материал ва усуллари"** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материал ва усулларини умумий шарҳи берилди.

Диссертация иши материаллари Андижон давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тиббий радиология ва клиник лаборатор диагностикаси кафедрасида, АДТИ клиникаси нур диагностикаси бўлимида тўпланди.

Вазифаларни ҳал қилиш учун 134 нафар беморнинг, шу жумладан 103 нафари дегенератив касалликлари ва 31 нафари чаноқ-сон бўғимининг ревматоид артрити билан оғриган беморларнинг тиббий маълумотлари таҳлили ўтказилди. Текширувдан ўтган беморларнинг ёши 21 ёшдан 65 ёшгача бўлган, улардан 25 нафари эркак, 109 нафари аёллар, ўртача ёши 46 ёшни ташкил этган. Таққослаш учун, назорат гуруҳига чаноқ-сон бўғимининг ультратовуш текшируви учун 23 ёшдан 45 ёшгача, ўртача 34 ёш бўлган 29 киши, шу жумладан кўнгилли бўлган 8 эркак, 21 аёл.

Тадқиқот барча беморларни иккита асосий гуруҳга бўлиш билан ўтказилди: бўғимдаги яллиғланиш ва дегенератив жараённинг босқичи ва фаоллигига қараб, ревматоид артрит (РА) ва остеоартроз (ОА). РАда 23 беморда патологик жараёнда ЧСБнинг икки томонлама иштироки аниқланган, 8 беморда ревматоид артрит битта бўғим билан чекланган. Остеоартроз 79 та ҳолатда битта бўғим билан чекланган, 24 ҳолатда қарама-қарши чаноқ-сон бўғимининг иштироки қайд этилган.

Чаноқ-сон бўғимининг ОА босқичини аниқлашда, остеоартрознинг тўрт босқичини ажратиш билан Kellgren ва Lowgrens рентген таснифи ишлатилган; Ревматоид артрит ҳам тўрт босқичга бўлинган: преклиник босқич I (ижобий ревматоид омил ва периартикуляр остеопорознинг дастлабки белгилари), II босқич (суяк эрозияси ривожланишидан олдин синовит ҳодисалари), III босқич (сон бошининг кортикал эрозиясининг пайдо бўлиши), ва кечки IV босқич (суяк деформацияси ва анкилоз). Таъсирланган бўғимлар сонини кўрсатадиган босқичлар бўйича РА ва ОА билан касалланган беморларнинг сони 1-жадвалда келтирилган.

2019-2021 йиллар давомида Ю.Отабеков номидаги АДТИ клиникаси нур бўлимида амбулатор ва стационар даволаниш асосида келган беморлар муаллиф томонидан шахсан текширилди.

Ультратовуш мултипараметрик тадқиқотлар “Sonoscape S 22” (Хитой) қурилмасида ўтказилди ва кулранг сканерлаш (B-режими), рангли доплер тасвири (РДТ) билан дуплекс сканерлаш, энергетик доплер тасвири (ЭДТ) ва импульсли тўлқинли доплерни ўз ичига олди. Чаноқ-сон бўғими рентгенографияси иккита стандарт проекцияда амалга оширилди: фронтал ва латерал. Чаноқ-сон бўғимининг МРТ сканерлаш "Magnetom Open 0.2 T" қурилмасида (Сиенс, Германия) T1 ва T2 режимларида амалга оширилди.

1 жадвал

Беморларни клиник гуруҳларга бўлинган ҳолда

№	Номланиши	Ревматоид артрит				ЧСБ остеоартрози			
		I д.	II д.	III д.	IV д.	I д.	II д.	III д.	IV д.
1	Умумий беморлар сони	5	9	17	-	12	28	32	31
2	Бир томонлама	5	1	2	-	12	25	24	18
3	Икки томонлама	-	8	15	-	-	3	8	13
4	Бўғимлар умумий сони	5	17	32	-	12	31	40	44

Диссертациянинг "Аниқланган чаноқ-сон бўғими РА ва ОА ультратовуш белгиларининг тавсифи ва дифференциация мезонлари"га бағишланган учинчи бобида чаноқ-сон бўғимининг РА ва ОА фарқлаш мезонлари, 134 нафар беморда ўтказилган чаноқ-сон бўғимининг мултипараметрик ультратовуш текшируви маълумотлари таҳлил қилинди, улар ўз навбатида 2 гуруҳ қуйидагиларга бўлинган: 1-гуруҳ бирламчи ревматоид артрит билан оғриган 31 нафар бемордан иборат бўлиб, улардан 23 (74,2%) нафарида чаноқ-сон бўғимининг носимметрик шикастланиши бор эди; 2-гуруҳ – чаноқ-сон бўғимининг остеоартрози бўлган 103 нафар бемордан, шу жумладан, 24 (23,3%) нафарда қарама-қарши бўғин зарарланишини ўз ичига олади. Натижада, таҳлил билан РА 54 сонни ва ОА билан 127 сонни қамраб олди.

2-жадвал

Чаноқ-сон бўғими РА ва ОА кузатилган беморларда ультрасонографик белгиларининг учраш даражаси

№	Ультрасонографик белгилар	РА			ОА			ODDS коэффициентлари	
		Текширилган бўғимлар	Аниқланган	%	Текширилган бўғимлар	Аниқланган	%	РА	ОА
1	Бўғим ичи суюқлиги (мавжудлиги)	54	25	46,3	127	13	10,2	7,56*	0,132
2	Синовиал қобикнинг қалинлашиши	54	24	44,4	127	13	10,2	5,55*	0,180
3	Фиброз капсуланинг қалинлашиши (2,3 мм дан юқори)	54	27	50,0	127	47	37,0	1,70	0,587
4	Тўғай гипеохоген қатламининг кичрайиши (2 мм дан пастрок)	54	17	32,3	127	67	52,7	3,05*	0,327
5	Остеофитларнинг мавжудлиги	54	10	18,5	127	61	48,0	0,245	4,07*
6	Сон суягининг бошини деформацияси	54	4	7,4	127	46	36,3	0,141	7,09*
7	Сон суяги бошининг эрозияси (нотекислик мавжудлиги)	54	17	31,5	127	3	2,4	19,1*	0,053
8	Гиперплазия бўлган синовида неоангиогенез белгилари	54	4	7,4	127	-	-	-	-

Изоҳ: * белгининг юқори релевантлиги ($P < 0,01$).

Ультратовуш тасвирларини таҳлил қилиш ва талқин қилишда интраартикуляр суюқлик мавжудлиги ёки йўқлиги, синовиал қобикнинг


экоструктураси ва қалинлиги, фиброз капсуланинг қалинлиги, гиалин тўғайнинг қалинлиги, сон суяги боши шакли ва контурлари, остеофитларнинг мавжудлиги каби эхобелгилари, шунингдек, энергетик доплер тасвири ва импульсли тўлқин (спектрал) доплерографияси маълумотлари ўрганилган. Ультратовуш маълумотларини текшириш усули сифатида МРТ ишлатилган.

Ультратовуш текшируви маълумотларининг қиёсий таҳлили ушбу бўғимнинг РА ва ОА бўлган беморларда, бўғим тузилмаларида патологик ўзгаришларнинг эхобелгиларини турли частотасини кўрсатди (2-жадвалга қаранг).


РА учун энг характерли бўлиб, 46,3% (25) ҳолларда бўғим бўшлиғида суюқлик кўриниши синовитнинг эхобелгилари бўлиб, 44,4% (24) синовиал қобикнинг қалинлашиши ва 32,3% (17) тўғай қалинлигининг пасайиши билан унинг емирилиши белгиларининг аниқланиши кузатилди. Бундан ташқари, бўғимларнинг 31,5 фоизида (17 ҳолат) сон суяги бошининг кортикал қатламининг қирғоқ эрозиялари аниқланган, ревматоид артритнинг 7% (4) ҳолатида синовиумда неоангиогенез белгилари энергетик доплер тасвирида кўп миқдордаги ёрқин локус сигналларининг кўринишида қайд этилган (1, 2 ва 3 расм).

Ушбу белгилар, 2-жадвалдан кўришиб турибдики, РАда чаноқ-сон ОАга қараганда анча кенг тарқалган. Ўзгарувчан частотага қарамай, уларнинг ревматоид артритга алоқадорлиги (мувофиқлиги) ODDS коэффициентининг юқори қийматлари (7,24 дан 44,8, гача, $P < 0,01$) билан қайд этилган, бу ҳодиса эҳтимоллик қийматини аниқлайдиган статистик кўрсаткичдир.

Шу сабабли, бўғим ичи суюқлик кўриниши синовитнинг сонографик белгилари, синовиумнинг қалинлашиши ва ЭДТ сигналларининг кучайиши, сон суяги бошининг чекка кортикал эрозияси билан бирга, ЧСБ ревматоид артритининг характерли "портрети" ҳисобланади. Ревматоид артритга хос бўлган ушбу эхобелгилари 54 та бўғимнинг 37 тасида яқка ўзи ёки комбинацияланган ҳолда топилган. Умуман олганда, ЧСБ РА ташхисида ультратовуш текширувининг сезгирлиги 68,5%, ўзига хослиги 88,4%, аниқлиги 77,4% ни ташкил этди.




1-расм. 46 ёшли бемор Н.З. Чаноқ-сон бўғимининг эхотасвири, у ўнг томонлама ЧСБ ревматоид артрити




2-расм. 39 ёшли бемор А.Н. чап ЧСБ эхотасвири, унинг кўриниши, клиник ташхис: Чаноқ-сон бўғимини қамраб олган

билан клиник ташхисланган. Ультратовуш тасвирида серошкала В режимида бўғим ичида анэхоген суюқлик аниқланмоқда (1). Гипреэхоген қалинлашган фиброз капсула ҳам визуализация қилинмоқда.



3-расм. 42 ёшли бемор М., кулранг шкалали эхограммаси энергетик доплер тасвири билан. Гиперплазиялашган синовида кўп миқдордаги кучайган локус сигналларининг кўриниши (стрелка). Бўғим бўшлигида анэхоген суюқлик (1).

ревматоид полиартрит. Ультратовуш диагностикасида серошкала режимида кўп миқдорда суюқлик (1) ва синовиал пролиферация (2).




4-расм. Бемор Н 62 ёшда, клиник ташхиси: чап чанок-сон бўғимини 2-даражаси остеоартрози. Серошкала режимидаги ультратовуш текширувида нотекис юқалашган гипоэхоген гиалин тўғайни ЧСБда кўриниши (стрелка). Сон суяги бош қисми сфериклиги сақланган.

Ревматоид артритдан фарқли ўларок, чанок-сон остеоартрозида бўғимнинг гиалин қавати қалинлигининг пасайиши, сон суяги боши ва бўйни интраартикуляр юзаси остеофитлари ва сон суяги бошининг деформацияси каби эҳобелгилари мавжудлиги билан фарқланади (4 ва 5-расмлар).



А



Б

5-расм. А – 56 ёшли бемор Г.А. ўнг ЧСБ рентгенограммаси, клиник диагноз: ўнг томонлама коксартрознинг 3-даражаси. Рентген тасвирида тос боши кескин деформацияланган, остеофитлар ҳисобига жипслашган, бош тузилиши қорайган, бўғим ёруғлиги бирдан торайган. Б – ўша бемор сонограммаси. Эхотасвирида

серошкала В тартибида конвекс датчик учи сон суяги боши шаклининг ясилашганлигини кўрсатди.

Бўғим гиалин қавати қалинлигининг 2,0 мм дан кам миқдорда ингичкалашиши ЧСБ ОА касаллигида 52,7% (67), остеофитлар 48% (61 бўҳим), сон суяги бошининг деформацияси 36,3% (46 ҳолат)да аниқланган (2-жадвалга қаранг). Сон суяги боши ва бўйнида остеофитлар мавжудлигининг эхобелгисининг ODDS коэффициенти 4,08 ($P < 0,01$), сон суяги боши деформацияси белгиси 19,4 ($P < 0,01$). Алоҳида ёки комбинацияланган ҳолда бу белгилар ЧСБ остеоартрозининг 127 та ҳолатидан 91 тасида аниқланган. ЧСБ ОА ташхисида ултратовуш текширувининг сезгирлиги 71,6%, ўзига хослиги 74,1%, аниқлиги 72,4% ни ташкил этди.

Ўлчанган ултратовуш кўрсаткичларининг (метрик кўрсаткичларнинг) ўртача қийматларини таққослаш ЧСБ остеоартрози ва ревматоид артритда юмшоқ тўқималар ва суяк тузилмаларидаги ўзгаришларнинг юқорида тавсифланган қонуниятларини тасдиқлаш ва қўшимча мезонларини аниқлаш ёки ЧСБнинг бошқа айтилган патологик таққослашлари имконини берди (3-жадвал).

3 жадвал

Остеартроз ва ревматоид артрит кузатилган беморларда чаноқ-сон бўғимини серошкालали эхография ҳамда импульс-тўлқинли доплер параметрлари маълумотлари бўйича ўлчанган миқдорий кўрсаткичлар ($M \pm m$)

№	Метрик кўрсаткичлар	Контрол гуруҳи n=58	РА I гуруҳ n=54	ОА II гуруҳ n=127
1	Синовиал қобик қалинлиги (мм)	5,2±0,08	9,5±2,0*	6,9±1,1
2	Фиброз капсула қалинлиги (мм)	2,2 ± 0,2	4,4 ± 1,0*	2,9 ± 0,3
3	Тўғайнинг гипозоноген қатлами қалинлиги (мм)	2,4 ± 0,4	1,9 ± 0,3	0,9± 0,2**
4	Остеофитлар ҳажми (мм)	-	-	7,4± 2,1
5	Сон суяги бошининг латерал артерияси ЮСТ (см/с)	27,3 ± 9,2	30,1 ± 4,2	22,8 ± 3,2
6	Сон суяги бошининг латерал артерияси ОДТ (см/с)	5,0 ± 1,4	9,2 ± 2,2	4,7 ± 1,7
7	резистентлик индекси	0,78 ± 0,03	0,88 ± 0,03	0,71 ± 0,07

Изоҳ. * $P < 0,05$, ** $P < 0,001$ назорат гуруҳидаги тегишли кўрсаткичга нисбатан.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, РАда чаноқ-сон бўғимининг синовиал қобиғи ва фиброз капсуласи мос равишда 9,5±2,0 мм ва 4,4±1,0 мм гача қалинлашган ($P < 0,05$) ва ОАда бўғим тўғайи кучли юпқалашгани кузатилади ($P < 0,001$). Сон бўғимини таъминловчи латерал артериясида қон оқимининг доплер параметрлари кўп йўналишли

ўзгариш тенденциясига эга эди; РАда систолик ва диастолик қон оқимининг юқори тезлиги ошди, ОАда эса пасайди, аммо бу ўзгаришлар статистик жиҳатдан ишончсиз бўлиб чиқди.

ЧСБ ОА билан оғриган беморларни ЧСБ РА билан касалланган беморлардан фарқлашда ультратовуш кўрсаткичларининг аҳамиятини аниқлаш учун биз ROC-таҳлилини ўтказдик, унинг натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Чаноқ-сон бўғимининг остеоартрит ва ревматоид артрит кузатилган беморлар дискриминацияси ROC –таҳлил кўрсаткичлари

№	Ультрасонографиянинг метрик кўрсаткичлари	AUC	P кўрсаткичи	Сезгирлик %	Специф-к %	Чегара кўрсаткич
1	Фиброз қобик қалинлиги	0,766	<0,001	83,3	67,7	≤2,26
2	Гиалин тоғай қалинлиги	0,964	<0,001	94,1	93,5	≤1,3
3	Остеофитлар ҳажми	0,893	<0,001	71,3	93,5	>4,4
4	Сон суяги бошининг ЮСТ латерал айланувчи артерияси	0,692	<0,001	32,1	80,6	≤24
5	Тос бошининг КДТ латерал айланувчи артерияси	0,582	0,079	42,7	90,3	>4,4
6	Резистентлик индекси (РИ)	0,764	<0,001	52,9	93,5	≤0,77

ROC-таҳлил маълумотлари ЧСБ ОАни РА дан фарқлашда фиброз қавати ва гиалин тўғай қалинлиги, остеофитларнинг ўлчами каби кулранг шкалалари ультратовуш текширувнинг метрик кўрсаткичларининг аҳамиятини кўрсатди. Буни ушбу кўрсаткичларнинг ROC-эгри чизиги остидаги майдоннинг юқори қийматлари тасдиқлади, бу мос равишда 0,766-0,964, 0,893ни ташкил этди ($P < 0,001$). Шу билан бирга, бу кўрсаткичларнинг барчаси юқори сезувчанлик ва ўзига хосликка эга эди.

Соннинг латерал артериясида қон оқимининг доплер параметрлари остеоартрози чаноқ-сон бўғимининг ревматоид артритидан ажратишда паст сезгирлик кўрсаткичларига эга эди. Бу систолик қон оқимининг юқори тезлигига ($Se-32,1\%$) ва диастолик қуйи тезликка ($Se-42,7\%$), шунингдек резистентлик индексига ($Se-52,9\%$) нисбатан қўлланилади.

ROC-таҳлилдан олинган метрик кўрсаткичларнинг чегара қийматлари, кулранг шкалалари эхография ва энергетик доплерография кўрсаткичлари билан бирга, бизда ЧСБ ревматоид артрит ва остеоартрозини фарқлаш мезонларининг умумий жадвалини тузиш учун фойдаланилган (5-жадвалга қаранг).

Чаноқ-сон бўғими яллиғланишида ревматоид артрит ва остеоартрозни дифференциацияси ҳамда ташхисотининг ультрасонографик мезонлари

№	Ультрасонографик белгилар ва параметрлар	Соғлом ЧСБ	Ревматоид артрит	Остеоартроз
1	Бўғимичи суюқлиги	Мавжуд эмас	Мавжуд	Кўзғалиш давридан ташқари мавжуд эмас
2	Синовиал қобик қалинлашиши	<5,2 мм	>9,5 мм	<7 мм
3	Фиброз капсуласи қалинлаши	≤2,23 мм	>4,4 мм	>2,5 мм
4	Тўғай гипоезоген қатламининг кичрайиши	2,4 мм	1,3 мм	<0,9 мм
5	Остеофитлар мавжудлиги	Мавжуд эмас	Ягона майда	Кўп миқдорда >5,8 мм
6	Сон суяги боши шакли	Сферали	Сферали	Яссиланган ва деформация туфайли нотўғри
7	Суякларнинг бўғим юзаси кортикал қирғоқ эрозиялари	Мавжуд эмас	Мавжуд	ягона
8	Энергетик доплер маълумотлари бўйича синовийда кўплаб сигналлар мавжудлиги	Мавжуд эмас	Мавжуд	Мавжуд эмас

Шундай қилиб, ультрасонографиянинг визуал ва метрик кўрсаткичлари даражасини қийслаш ва ўрганиш чаноқ-сон бўғими ревматоид артрит ва остеоартрозининг асосий ультрасонографик белгиларини аниқлашга имкон берди. Ревматоид артрит учун асосий белги сифатида синовит ҳисобланади, ўз ичига триада ультрасонографик белгиларни, бўғим ичи суюқлик мавжудлиги, синовиал қобик гипертрофияси тўғрисида хабар берувчи синовиал қобик гипертрофияси ва энергетик доплерда кучайган сигналларнинг мавжудлигини қамраб олади. Яллиғланиш жараёнининг авж олишида суякларнинг ички бўғим юзаси суяк эрозияси ҳамда анча авж олган жараён босқичида гиалин тўғайининг парчаланиши юзага келади.

Ревматоид артритдан фарқли ўлароқ, остеоартрозда синовитнинг ультрасонографик белгилари мавжуд бўлмайди, айрим ҳолатларда жараён фаоллигининг кўчирилган кўриниши натижалари сингари синовиал қобик гипертрофияси аниқланиши мумкин, аммо энергетик доплер сигналлари кўринишидаги гипертрофияси белгилари мавжуд бўлмайди. Остеоартрознинг юқори даражадаги ўзига хос белгилари остеофитлар ва турли даражадаги сон суяги боши деформацияси ҳисобланади.

Фаол жараёнда остеоартроз учун классик белгиларга бўғим ичи суюқлиги ва синовиал пролиферация кўшилади. Аниқланишича, ушбу

